



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Фикрлашни,
уйлашни, ўз
ҳаётингизни
таҳлил қилишни
ўрганнинг, акс
ҳолда бировнинг
фикрига эргашиб
юраверасиз

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshon@gmail.com



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 6-fevral, shanba, 15 (23.451)-son

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2017–2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСINI РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСINI “ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ”ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, юқори иқтисодий ўсишга эришиш ҳисобидан халқимизнинг фаровонлигини ошириш ва кундалик ҳаётидаги муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. Халқ билан очик мулоқот натижалари асосида тайёрланган **2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси**ни “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда – Давлат дастури) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Коронавирус пандемияси шароитида **тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чораларини давом эттириш** мақсадида қуйидагиларнинг амал қилиш муддати **2021 йил 31 декабр**га қадар узайтирилсин:

туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳаларида фаолият юритаётган субъектларнинг ер ва мол-мулк солиғи бўйича 2021 йил 1 январь ҳолатига қарздорлиги тўлалиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ–5969-сон Фармонида назарда тутилган вақтинча қийинчиликларни бошдан кечираётган хўжалик юритувчи субъектларнинг мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича 2020 йил 31 декабрь ҳолатига қўра, мавжуд қарзига **пеня ҳисобланишини тўхтатиш ва солиқ қарзини мажбурий ундиришга қаратиш чораларини кўрсатилиши талаби**;

коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан тадбиркорлик субъектларига 2020 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқда турган **мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича берилган фоизсиз кечиктириш (бўйиб-бўйиб тўлаш) сўммаси**; “хуфийна иқтисодиёт” улушини қисқартириш учун солиқ аудити ўтказишда **“таҳлика-таҳлил”** тизими босқичма-босқич жорий этилган ҳолда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келатган киши тадбиркорлик субъектларида **солиқ аудити ўтказилишига мораторий**.

3. **Ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазага муҳтож талабаларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий адолат таъминлигини таъминлаш мақсадида** 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

а) олий таълим муассасаларига кириш имтихонларида энг юқори балл тўплаган **200 нафар** ёшлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентини гранти жорий этилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги ва Давлат тест маркази билан биргаликда **2021 йил 1 апрелга қадар** Ўзбекистон Республикаси Президентини грантини ажратиш тартибини ишлаб чиқин ва олий таълим муассасаларига кириш имтихонларида балл тўплаган шахслар тўғрисидаги очик маълумотларни назарда тутувчи ягона электрон реестрни шакллантирсин;

б) олий таълим муассасаси-

да икки ва ундан ортик фарзанди шартнома асосида ўқиётган оилаларга таълим кредити бериш тарзи қарор топтириш, юқори иқтисодий ўсишга эришиш ҳисобидан халқимизнинг фаровонлигини ошириш ва кундалик ҳаётидаги муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

в) олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони **25 фоизга** ҳамда эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун давлат грантлари сони **2 бараварга** оширилсин, шунингдек, хусусий олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашга давлат гранти бериш тизими жорий этилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирилик ва идоралар билан биргаликда 2021/2022 ўқув йили учун ўқишга қабул қилишга давлат буюртмаси параметрларининг тубдан қайта қўриб чиқирилишини таъминласин;

г) академик таътил беришининг қуйидаги тартиби ўрнатилсин: академик таътил олишни истаган талабалар **ўз ихтиёрига қўра академик таътил муддатига таълимнинг сиртки ва масофавий шаклига ўтказилиб** (агар олий таълим муассасасида бундай таълимнинг шакллари мавжуд бўлса), уларга узлуқсиз мустақил таълим олиш имконияти яратилсин;

оиласининг бетоб аъзосини парварши қилиш сабабли **анъанавий шаклдаги таълимни давом эттириш имконияти бўлмаган талабаларга** ҳам академик таътил олиш ҳуқуқи берилади; талабаларга ўқиш давомида академик таътил берилиши бўйича миқдорий чекловлар бекор қилинади; академик таътидан қайтган талабаларни илгари ўзлаштирилган фанлар бўйича қайтадан ўқитиш амалиёти бекор қилинади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда **бир ой муддатда** академик таътил олишни истаган талабалар томонидан сиртки ва масофавий шаклда мустақил таълим олишни ташкил этиш, олий таълим муассасаларида экстернат тартибида таълим олиш бўйича ҳуқуқий асосларни яратишни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

д) илмий унвон ва илмий даражаларни бериш ваколати **2021 йил 1 сентябрдан бошлаб** республиканинг нуфузли олий таълим муассасаларининг илмий кенгашларига босқичма-босқич ўтказилсин.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** илмий даражали кадрлар тайёрлаш ва олий таълимдан кейинги таълим соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш тубдан ошириш мақсадида **2021 йил 1 апрелдан бошлаб**:

“Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали нуфузли хорижий олий-гоҳларнинг магистратура ва докторантурасида ўқишга юбориладиган

ёшлар сони **5 баробарга** оширилсин; “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳисобидан хорижда бакалаврият таълим дастурлари бўйича ўқитиш тизими жорий этилиб, 2021 йилда **100 нафар** ёшларнинг хорижда таълим олиш учун юборилиши таъминлансин;

“Эл-юрт умиди” жамғармаси таълим дастурлари бўйича номзодларни саралашни очик стипендия танлови асосида Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари учун уларнинг республикадаги иш ва ўқиш жойидан қатъи назар мунтазам равишда ўтказиш амалиёти йўлга қўйилсин;

бакалаврият, магистратура ва докторантурада ўқиш дастурлари учун стипендия танловини нуфузли хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассасадан ўқишга қабул қилиш тизимининг тақлифнома асосида ўтказиш тартиби йўлга қўйилсин.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси бир ой муддатда давлат хизматчилари ва мутахассисларни хорижда тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича аниқ чоралар кўрсин.

5. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар Академияси ва Инновацион ривожланиш вазирлиги **уч ой муддатда физика фани ва чет тиллари** бўйича узлуқсиз таълим сифати ва натижадорлигини ошириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи комплекс дастурларни ишлаб чиқсин:

илмий тадқиқотларни ривожлантириш, таълим ташкилотларида мазкур фанларни ўқитиш методикасини қайта қўриб чиқиш, амалий ва инновацион лойиҳалар танловларини ташкиллаштириш, соҳадаги илмий ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш;

янги авлод, шу жумладан, электрон дарслик ва ўқув курсларини яратиш, шунингдек, ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўқув дастурларида амалий ва интерфаол машғулотларнинг улушини кўпайтириш; хорижий тилларни ўрганиш учун кенгрок имконият яратиш мақсадида бепул тил ўрганиш электрон платформаларини яратиш; ихтисослашган мактаб (синф) лар фаолиятини босқичма-босқич йўлга қўйиш, уларни олий таълим ташкилотлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари билан ўзаро боғлаш ҳамда хорижий мамлакатлардан ўқитувчиларни жалб этиш.

6. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда **уч ой муддатда 2025 йилда Ўзбекистонда ёшлар ўртасидаги IV ёғи Осие ўйинларини ўтказишга** пухта тайёргарлик кўриш ишлари бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқин ва унда қуйидагиларни назарда тутилсин:

республикада мавжуд спорт объектлари ва иншоотлари, логистика, транспорт ва меҳмонхона инфраструктурасини ўрганиш натижасида Осиё Олимпия Кенгаши ва халқаро спорт федерациялари талабларига мувофиқ уларни таъмирлаш ёки янгиларини қуриш бўйича тақлифларни тайёрлаш;

ёшлар ўртасидаги IV ёғи Осиё ўйинлари таъмирлаш беш режасини унда белгиланган ҳар бир тадбир бўйича молиялаштириш манбаси ва масъул ижрочини кўрсатган ҳолда тузиш;

Осиё Олимпия Кенгаши талабларига асосан ёшлар ўртасидаги IV ёғи Осиё ўйинлари дастурига киритиладиган спорт турларини саралаб олиш ва ўйинлар дастурини ишлаб чиқиш босқичларини белгилаш.

2-саҳифа >>>



Хўжамазгилда ҳаёт ўзгаряпти

Хўжамазгил маҳалласи Булунғур туманининг олис ҳудудларидан бири. Маҳалланинг Фармонтепа қишлоғи эса Тожикистон билан чегарадош ҳудудда. Бу қишлоқнинг йўллари абгор, йўл бўйларида пастқам ва кўримсиз, пала-партиш қурилган бинолар кўнгилни хира қиларди. Бугун эса қишлоқ қиёфаси тамомил ўзгармоқда.

– Бир неча кундан буён маҳалламизга қарашли Фармонтепа қишлоғида катта ободончилик ишлари олиб борилмоқда, – дейди Хўжамазгил маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маҳмуд Тоштемиров. – Ички йўллarga тош тўкилиб, эски уйлар, қўшимча бинолар қирилмоқда, симёғочлар янгисига алмаштирил-япти. Тойлоқ тумани ободонлаштириш бошқармасининг 60 нафар ходими артезиан қудуғини таъмирлаб, ичимлик суви учун политехилан қувурлар ётқизяпти. 30 нафар ишчи қишлоқдаги 41-мактабнинг эски биносини бузмоқда, тез орада бу ерда икки қаватли янги ва замонавий таълим даргоҳи қурилиши бошланади. Аҳоли хонадонлари, қўшимча бинолар тартибга келтирилиб, чиқиндилардан тозаланяпти. Санитария ходимлари хонадонларда дезинфекция ишларини

олиб боряпти. Тиббиёт бирлашмаси шифокор ва ҳамширалари аҳолини тиббий кўриқдан ўтказмоқда.

– Қишлоқ қир-адирларга яқин ҳудудда жойлашган ва бу ёғингарчилик мавсумида турли талофатлар юзага келиш хавфини кучайтиради, – дейди вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси кутқарувчиси Асқар Махматмуродов. – Шу боис, қишлоққа яқин қир-адирлардаги катта тошлар махсус техникалар ёрдамида майдалаб олинмоқда.

Қуни кеча маҳаллада ишсиз хотин-қизларни касб-хунарга ўргатиш мақсадида тикувчилик ўқув курси ташкил этилди. Дастлабки гуруҳда 20 нафар аёллар касб ўрганаляпти.

Раббим ҲОТАМОВ,
муаллиф олган сурат.

Ҳафта бошида парламент қуйи палатаси депутатлари жойларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказди. Ҳўп, улар муайян масалаларни ҳам ҳал этмоқдами? Ёки сайловчилар билан мулоқотлар тадбирбозликка айланиб кетяптими?

Қонунчилик палатасига Оқдарёдан сайланган депутат:

“Президент топшириғи ижроси кечикмоқда, бунга жим қараб турмаймиз”

Шу каби саволлар билан вилоятимиздан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларга мурожаат қилдик.

– Сайловчилар билан охириги март 1–2 февраль кунлари жойига чиқиб учрашди, – дейди 58-Оқдарё округидан парламент қуйи палатасига сайланган депутат Эркин Салихов. – Учрашувда ҳокимият ва мутасадди ташкилот раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Тўғриси, сайловчилар томонидан кўтарилган масалалар кўп, айримлари, масалан, тадбиркорлик учун кредитлар ажратиш ва шунга ўхшаш маҳаллий даражадаги муаммолар ҳокимият томонидан ҳал этиладиган бўлди.

Яшириб нима қилдим, аксарият муаммолар аҳолини табиий газ, электр энергияси билан таъминлаш, маҳаллаларда ички йўллари таъмирлаш, боғча ва мактаб учун қўшимча бино қуриш билан боғлиқ. Бу тегишли республика ташкилотлари аралашувини тақозо этади. Шу боис, учрашувларда кўтарилган масалаларни умумлаштириб, идораларга хат ва сўровлар тайёрлаяман.

Мулоқот жараёнида депутат айрим муаммоларни ҳал қилиш вақти ва маблағ билан боғлиқ бўлаётганини ҳам қайд этди. Бунда депутат сифатида қатъият кўрсатаётганига аниқ мисоллар келтирдим.

Маълум бўлишича, Оқдарё туманининг Истиклол маҳалласи ҳудудидаги Оқсилот, Сарка, Қоратери ва Хайрбуви қишлоқлари аҳолиси Қорадарё устидан пидедаларга мўлжалланган кўприк қурилишида амалий ёрдам сўраган. Депутат ўрганиб кўриб, бу маса-

ла давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 17–18 март кунлари Самарқанд вилоятига ташири давомида ҳам кўтарилганини аниқладим. Мазкур санада Президент бошчилигида ўтказилган йиғилиш баёнида тегишли вазирликларга масалани 2019 йил давлат дастурига киритиб, амалга оширишни таъминлаш топшириғи берилган. Депутат ушбу баёнани асос қилиб, автомобиль йўллари қўмитаси ва молия вазирлигига сўров юборган. Таассуфки, қўмита ҳам 2018 йилда давлат раҳбари берган топшириққа юзаки ёндашган. Яъни, автомобиль йўллари қўмитаси бу борада тегишли лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилгани ва унинг қиймати 5 миллиард сўмдан кўпроқ эканлигини билдирган.

Жавоб хатларида қўмита ҳам, молия вазирлиги ҳам бу масала 2021 йилда Самарқанд вилоятининг маҳаллий бюджетига ва хўнинг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилишини билдирган. Автомобиль йўллари қўмитасининг қўшимча қилишича, белгиланган ишлар молиялаштирилганидан сўнг пудратчи корхоналар томонидан босқичма-босқич бажарилади.

– Сайловчилар биздан кимга нима ёзганимизни эмас, аниқ натижа кутади, – дейди Э.Салихов. – Қолаверса, давлатимиз раҳбари Мурожаатномада жорий йил республика бўйича 5 мингдан ортик кўприклар таъмирланиши, бунинг учун 400 миллиард сўм ажратилишини таъкидлаганди. Шу боис, 22 январь куни автомобиль йўллари қўмитасига яна хат чиқардим. Унда округдаги бир неча таъмирталаб кўприкларни дастурга киритишни сўрадим.

Судларнинг эшиги жамоатчилик учун очик

аммо томонларнинг ҳуқуқини ҳам унутмаслик керак

Вилоят матбуот уйида ўтказилган навбатдаги матбуот анжуманида шу мавзуда сўз юритилди.

Тадбирда вилоят суди раиси О.Ҳайитов, унинг ўринбосарлари ва вилоят маъмурий суди раиси Б.Диевров иштирок этди.

Қайд этилганидек, суд тизимида халқаро норма ва талабалар асосида кенг қўламли ислоҳотлар, янгиланишлар амалга оширилмоқда. Бунда албатта, фуқароларнинг тизимга бўлган ишончини ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини кафолатлашга алоҳида эътибор қаратиш керак.

– Амалга оширилаётган ўзгаришлар замирида тизимда жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш масаласи ҳам мавжуд, – дейди вилоят суди раиси О.Ҳайитов. – Негаки, бу биринчидан судьяларнинг адолатли ва қонуний қарор қабул қилишига хизмат қилади. Қолаверса, жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг ошишини таъминлайди. Шу боис, суд мажлисларида оммавий ахборот воситалари вакилларининг иштирок этиши бўйича алоҳида норматив ҳужжат қабул қилинган. Олий суднинг мазкур қароридан масаланинг барча жиҳатлари тартибга солинган.

Очиқ суд мажлисида томонлардан бошқаларнинг иштироки борасида турли тушунмовчиликлар пайдо бўлмоқда. Бунда қарор қабул қилаётган судья мажлис иштирокчиларининг розилигисиз руҳсат беролмайди. Негаки, масаланинг ошкор этилиши томонларнинг шахсий ҳуқуқи ҳисобланади. Бунга бузишга эса судьяга ҳам ваколат берилмаган.

Анжуманда иштирокчиларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб берилди.

Фазлиддин РЎЗИБОВЕВ.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

7. **Аҳоли саломатлигини мустақкамлаш** ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш мақсадида:

а) **2021 йил 1 июлдан бошлаб** “хамширалик иши” билан мустақил шугулланиш учун ўрта тиббиёт мутахассисларига ўзини ўзи банд қилиш асосида руҳсат берилсин;

б) **2021 йил якунига қадар** меҳрибонлик уйларининг уй-жойга муҳтож 900 нафар чин етим битирувчилари уй-жой билан таъминлансин.

Молия вазирлиги кейинги йиллар учун бюджет параметрларини шакллантиришда меҳрибонлик уйларининг уй-жойга муҳтож етим битирувчилари ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлашга маблағлар ажратилишини назарда тутиб борсин;

в) **2021 йилда 22 та** мактабгача таълим ташкилоти бинолари, **31 та** янги мактаб, **16 та** олий таълим муассасалари бинолари, **24 та** соғлиқни сақлаш объекллари ҳамда **23 та** спорт объектларининг қурилиши таъминлансин.

8. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг таълим олиши ва касб эгаллашига кўмаклашиш, оғир касалликка чалинган болаларни даволаш мақсадида **Болаларни қўллаб-қувватлаш фонди** ташкил этилсин ва унинг мақсадлари амалга оширилишини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан **100 миллиард сўм** ажратилсин.

9. Илгор хорижий тажриба ва кенг жамоатчилик таклифлари инobatта олинган ҳолда, **2021 йил 1 июнга қадар ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашга** қаратилган қуйидаги амалиёт жорий этилсин:

муҳтож аҳолини протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш амалиётини **сертификат бериш тизими**га ўтказиб, фуқароларга ўз танловига кўра давлат томонидан бериладиган маблағлар (сертификат) ҳисобидан исталган ишлаб чиқарувчидан протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари сотиб олиш имкониятини яратиш;

ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган шахсларни клиник-функционал маълумотларни олишга доир қўшимча текширувдан ўтказмасдан туриб, улар ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда **ногиронлиқни мuddатсиз даврга белгилаш**.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги **уч ой мuddатда** тиббий-ижтимоий хизматнинг мутлақо янги моделини шакллантириш чораларини кўрсин.

10. Пенсия ва нафақаларни тайинлашда **фуқаролар учун янада қўлай шaroитлар яратиш** мақсадида қуйидаги тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2021 йил 1 июндан бошлаб**: пенсияларни тайинлашда шахснинг иш ҳақи ва меҳнат стажы тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган давр – 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажы шахснинг меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ўзгaрлар асосида тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан ҳисобланади;

уч йил ва ундан аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсия ва нафақаларни текшириш ҳамда улар бўйича аниқланган ортиқча тўловни ундириш бекор қилинади;

ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш ўртаклари келгусида пенсия таъминотига эга бўлишлари учун ўз даромадларидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи бериллади;

пенсия ва нафақалар фуқаронинг хоҳишига кўра рўйхатга олинган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланади ва тўланади; пенсия ва нафақаларни нақд пулсиз шаклда олиш учун аризалар фуқаролар томонидан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг (кейинги ўринларда – Пенсия жамғармаси) тегишли бўлимига мурожаат қилмаган ҳолда, тижорат банклари филиалларида банк пластик карталарини очиб жараёнида ёки банк мобиль иловалари орқали электрон шаклда расмийлаштирилади;

фуқароларнинг пенсияга бўлган ҳуқуқи йўқолганлигини тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этиладиган электрон маълумотлар асосида аниқлаш орқали пенсияларни нақд пулсиз шаклда олувчи шахслар томонидан ҳар олти ойда Пенсия жамғармасининг бўлимига келиш ҳамда масъул ходимлар томонидан жойларга чиққан ҳолда мониторинг ўтказиш мажбурияти бекор қилинади.

11. Пенсия ва нафақалар тўғри тайинланиши ҳамда тўланиши бўйича текширишлар натижасида аниқланган ортиқча тўлов суммасининг **2021 йил 1 февраль** ҳолатига бўлган қарздорлиги ҳисобдан чиқарилсин.

12. Иқтисодийetni ривожлантириш, шу жумладан, **камбағаллиқни қисқартириш ва узoқ мuddатли бақарoр иқтисодий ўсишнинг пойдеворини яратиш** мақсадида:

а) ишсиз аъзолари бор оилаларга, жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга деҳқончилик билан шугулланиш имкониятларини кенгайтириш учун:

деҳқончилик билан шугулланиш учун, шу жумладан, янги ўзлаштирилган, лампи, фойдаланилмаётган ер майдонларида 0,1 гектардан 1 гектаргача ер ажратилиши;

ажратилган ер майдонлари суғориш тизими (артезиан қудуқлар, томчилатиб суғориш тизими ва бошқалар) ҳамда электр энергияси билан таъминланиши;

берилган ерларни ўзлаштириш учун (ер ҳайdash, уруғ, кўчат харид қилиш ва бошқалар) субсидия ажратилишини йўлга қўйилсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томоқра ер эгалари кенгаши билан биргаликда **2021 йил 1 апрелга қадар** ҳар бир тумanning имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, эҳтиёжманд оилаларга

деҳқончилик билан шугулланиш учун кўмаклашиш тизимини йўлга қўйиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин;

б) тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбoб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун **7 миллион** сўмгача субсидиялар ажратилиши амалиёти йўлга қўйилсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда **икки ой мuddатда** ишсиз аҳолини тадбиркорликка ва ўзини ўзи банд қилиб ишлаш фаолиятига жалб қилишнинг янги механизмлари юзасидан таклиф киритсин;

в) **2021 йил 1 мартдан бошлаб** заргарлик соҳасида кенг имкониятлар яратиш учун “Новоий кон-металлургия комбинати” ДК томонидан кумушни биржа орқали заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга эркин сотиш тартиби жорий этилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги **бир ой мuddатда** кумушнинг ишлаб чиқарувчиларга биржа савдолари орқали сотилиши, биржага қўйиладиган кумуш ҳажмларини шакллантириш ва маҳсулот бошланғич нархини асосли белгилаш бўйича таклифларни киритсин.

13. Белгилab қўйилсинки, **2021 йил 1 мартдан 2022 йил 1 июнга қадар ички туризмини оmmалаштириш доирасида** Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш учун қуйидаги харажатларнинг **бир қисмини қайтариш** механизми жорий қилинади:

авиаташувчиларга – ички туризм йўналишларидаги авиақатновларда **авиа** чипта нархининг **25 фоизи**;

туроператор ва турагентларга – Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун ташкил этилган турлар юзасидан авиа ва темир йўл чипталари нархининг **15 фоизи** ҳамда жойлаштириш воситаларининг жойлаштириш бўйича хизматлари (меҳмонхона хизматлари) нархининг **10 фоизи**. Бунда, ушбу харажатларнинг бир қисмини қайтариш саёҳат амалга оширилган ҳудудлардаги жойлаштириш воситаларида камида **бир кеча тунаб қолиш шарты билан** тақдим этилади.

14. Электр энергияси ва табиий газ таъминотида монополияни бекор қилиб, бозор муносабатларини шакллантириш мақсадида: суюлтирилган газ импорти учун белгиланган божхона бoжи ва уни импорт қилиш учун талаб этиладиган руҳсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар бекор қилинсин;

2021 йил 1 июнга қадар ишлаб чиқарувчи ва импортёрлар учун электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш соҳасига бозор механизмларини жорий этиш орқали улгуржи бозорини шакллантириш “Йўл харитаси” ишлаб чиқилсин. Энергетика вазирлиги “Йўл харитаси” ишлаб чиқилишини таъминлаш ҳамда биринчи босқичда **2021 йил 1 августдан бошлаб**, йирик корхоналарга электр энергияси ва табиий газни импорт асосида сотиб олиш ҳуқуқи берилишини назарда тутсин.

15. Давлат солиқ хизматида “Солиқчи-кўмакчи” тамойили асосида фермер хўжалиklarининг даромад ва харажатларини автоматик шакллантириш ва солиқ органларига юбориш имконини берувчи электрон тизимни **2021 йил 1 июлга қадар** амалиётга жорий этиш чоралари кўрилсин. Белгилансинки, давлат солиқ хизматининг фаолиятини “Солиқчи-кўмакчи” тамойили асосида ташкил этиш доирасида олдинги йил учун даромадлари йиллик молиявий ҳисобот маълумотларига кўра камида **5 миллиард сўмни** ташкил этган, юридик шахс маконига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари солиқ мониторингида иштирок этишга ҳақли.

16. Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги ва Ҳисоб палатасининг Молия вазирлиги тизимидаги Давлат молиявий назорати департаменти тузилмасини такомиллаштириш ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ички аудит хизматларини тартибга солиш тизимини ривожлантириш, шунингдек, ўтказиладиган текширишлар ва уларнинг натижалари юзасидан маълумотларни очик эълон қилиб бoриш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Молия вазирлиги Ҳисоб палатаси билан биргаликда **бир ой мuddатда** давлат молиявий назорати ва ички аудит тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича ишларни жадаллаштирсин.

17. Божхона назорати тартиб-таомилларини такомиллаштиришда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, **давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш** мақсадида **2021 йил 1 июлдан бошлаб** божхона назоратини олиб бoришнинг қуйидаги тартиби белгилансин:

тоифадан ташқари мақомдаги **“Масофавий электрон декларациялаш божхона постлари”** синов тарикасида бoсқичма-бoсқич ташкил этилади;

божхона расмийлаштируви жараёнларини масофавий бошқариш, инсон аралашуви кескин қисқартирилади;

чегараларда ветеринария ва фитосанитария органлари томонидан юк ташувчиларни рўйхатга олиш, ҳужжатларни текшириш, уларга кўрсатилган хизматлар учун тўловлар ундириш жараёнини рақамлаштириш орқали умумий онлайн назорат амалиёти жорий этилади.

18. **Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш**, шу жумладан, **давлат**

бошқаруви самарадорлигини ошириш мақсадида:

а) жорий йилда ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда ҳар бир ҳудудда биттадан туман (шаҳар) бюджетини шакллантиришда харажатларнинг камида **5 фоизи** бевосита аҳолининг фикр-мулоҳазаларини инobatта олиб, маҳалладаги муаммоларни ҳал этишга йўналтириш тартиби эксперимент тарикасида жорий этилсин;

б) **2021 йилда** давлат бошқаруви **ходимлари сони ўртача 15 фоизгача оптималлаштирилсин**.

Молия вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда **2021 йил 1 мартга қадар** қуйидаги чораларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси киритилишини таъминласин: бошқарувда бир-бирини тақроллайдиган идоралар, функциялар ва бюрократик тўсиқларни ва мажлисбозлиқни қисқартириш;

кўп йиллар давомида бўш турган штат бирликларини оптималлаштириш;

айрим давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш ҳамда лицензия ва руҳсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қисқартириш ва уларни бeриш жараёнини автоматлаштириш ҳисобига иш жараёнларини қайта кўриб чиқиш;

вазирлик ва идоралар фаолиятида қарор қабул қилиш жараёнларини соддалаштириш; рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳисобидан иш жараёнларини оптималлаштириш; вазирликларда фаолиятни туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла кесимида режалаштириш тизимини жорий этиш;

в) ўрта ва куйи бўғин бошқарув органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш доирасида: вилоят, туман, шаҳар ва маҳалла бошқарувида самарадорлиқни ошириш учун ходимлар сони ва машош ҳудуднинг ўзига хослиги ва иш ҳажмидан келиб чиқиб белгилансин;

куйи тизим раҳбарлари ва ходимларини янгича талаблар ва замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ишлашга ўргатиш ва малакасини мунтазам ошириб бoришнинг аниқ тизими жорий этилсин;

Вазирлар Маҳкамаси **икки ой мuddатда** ўрта ва куйи бўғин бошқарув органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича аниқ чораларни кўрсин;

г) **2021 йил якунига қадар** амалдаги қoнунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, шу жумладан, эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатларни бекор қилиш ва тарқoқ ҳужжатларни тизимлаштириш орқали **тартибга солиш юкни ва тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг даражасини камайитириш учун ортиқча нормаларни қисқартириш** таъминлансин.

Адлия вазирлиги **2021 йил 1 майга қадар** норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш, ҳисобга қўйиш ва эълон қилиш бўйича электрон ахборот тизимини жорий этиш;

д) **2021 йил 1 июлга қадар** маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қарорларни фақатгина **махсус “Е-қарoғ”** электрон тизими орқали тайёрлаб, қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилсин.

Адлия вазирлиги **уч ой мuddатда**: маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш, ҳисобга қўйиш ва эълон қилиш бўйича электрон ахборот тизимини жорий этиш;

электрон тизимдан фойдаланиш, уни юритиш ва унда жамоатчилик иштирокини таъминлаш; қабул қилинаётган қарорларни ижрочи ва манфаатдор ташкилотларга етказиш ва тегишли базалар билан интеграция қилиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларини мазкур тизимда ишлаш бўйича ўқитиш амалиётини йўлга қўйиш;

электрон тизим орқали қабул қилинмаган ҳужжатларни амалга киритганлик ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни адлия органларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказмаган ҳолда қабул қилганлик учун маъмурий жавобгарлиқни белгилаш бўйича таклифларни киритсин.

19. Молия вазирлиги **2021 йил 1 майдан бошлаб** қуйидагиларга оид молиявий маълумотларни оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида эълон қилиш амалиётини жорий этсин: давлат органлари бюджетдан ташқари жамғармаларининг даромади ва харажатлари; устав фондида (устав капиталлида) давлат улуши **50 фоиз** ва ундан ортик бўлган юридик шахслар ҳамда уларга устав фонднинг (устав капиталнинг) **50 фоизи** ва ундан ортки тегишли бўлган юридик шахслар харидлари; давлат субсидия ва грантларининг миқдорлари ва олувчилари.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги **икки ой мuddатда** очик эълон қилиниши лoзим бўлган маълумотлар рўйхатини кенгайтириш, шу жумладан, давлат харидлари ва инвестиция лойиҳалари доирасида ҳамда руҳсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бeриш бўйича ташкил этиладиган тендер ва танлов комиссияларининг таркиби, давлат активларининг олди-сотида ва давлат-хусусий шериклик лойиҳалари жараёнлари иштирокчилари, солиқ ва бошқа имтиёзлар олувчилар каби маълумотларни очик эълон қилиш бўйича таклифларни киритсин.

20. Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг қуйидагиларни назарда тутувчи **“Е-Антикоррупция” лойиҳасини амалга ошириш**

тўғрисидаги таклифи маъқуллансин: давлат органлари ва ташкилотлари томонидан киритилган коррупциявий омиллари бартараф этиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш, соҳа ва тармоқлар кесимида чўқур таҳлиллар ва жамоатчилик сўровларини ўтказиш натижасида **“Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри”**ни шакллантириш;

“Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри”га мувофиқ ҳар бир коррупциявий омилни биринчи навбатда рақамлаштириш (электрон навбат, аукцион ва бошқа замонавий усуллар), очиқлиқни таъминлаш, жамоатчилик назорати каби воситалар орқали бартараф этиш бўйича таклифларни экспертлар ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари орасида кенг муҳокамадан ўтказган ҳолда ишлаб чиқиш; амалга оширилаётган чoра-тадбирларнинг натижадорлигини ва коррупциявий омиллари бартараф этишга таъсирини жамоатчилик фикрини ўрганган ҳолда баҳолаш ва эълон қилиш.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Бош прокуратура ва Адлия вазирлиги билан биргаликда **уч ой мuddатда** “Е-Антикоррупция” лойиҳасини амалга ошириш механизмлари ҳамда коррупцияга мойил бўлган муносабатларни бартараф этиш бўйича комплекс чoра-тадбирлар дастурини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин.

21. Адлия вазирлиги **бир ой мuddатда** аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатга киришишида **био-роқратик тўсиқларни тубдан қисқартиришга** қаратилган, қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасини киритсин:

фуқароларнинг доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар фойдаланиши мумкин бўлган давлат хизматларининг кўламини кенгайтириш;

давлат, ижтимоий ва бошқа хизматларни кўрсатишда фуқаронинг шахсини тасдиқлашнинг ягона идентификация рақамини жорий этиш; давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида электрон маълумот алмашинувини йўлга қўйиш орқали улар ўртасида қoғoз кўринишида ҳужжат тақдим этиш амалиётига чек қўйиш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган давлат хизматларининг натижаларини почта алоқаси орқали етказиш амалиётини йўлга қўйиш;

“марказ-маҳалла-фуқарo” тамойили бўйича давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиб келинаётган хизматларнинг ҳар бир оилга кириб бoришини таъминлаш бўйича Қарши шаҳар тажрибасини жорий этиш.

22. **2021 йил 1 майдан бошлаб** мамлакатимизга **2005 йил 1 январга қадар** келиб, доимий яшаётган, шунингдек, мамлакатимизда **15 йил давомида** доимий яшаб турган фуқаролиги бўлмаган (чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган) шахслар томонидан истак билдирилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олиш тартиби жорий қилинсин.

23. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги халқаро стандартлар ва инсонпарварлик тамойилни кенг жорий этиш мақсадида: **2021 йил 1 апрелга қадар** Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан ҳар чoрақда жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тергов изолятори ва жазони ўташ муассасаларига **“мониторинг таширфлари”** тизимини йўлга қўйиш чораларини кўриш тавсия этилсин;

2021 йил 1 июнга қадар жазони енгиброғи билан алмаштириш ва шартли озoд қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш ваколати жазони ижро этиш муассасаларидан янги ташкил этиладиган **инсонпарварлик комиссияларига** ўтказилсин;

2021 йилда 6 тагача манзил-колониалар қисқартирилсин.

24. Кенг жамоатчиликнинг қуйидаги таклифлари маъқуллансин: а) **йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг асосий фаолиятини фуқароларга кўмак бeришга йўналтириш** ҳамда **коррупцияга имкон бeрадиган омиллари бартараф этиш** чораларини кўриш учун: автоматотранспорт воситасини техник кўриқдан ўтказишни экстерриториаллик принципи асосида йўлга қўйиш ва янги автоматотранспорт воситасини техник кўриқдан ўтказиш талабини бекор қилиш; Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятлар марказларида биттадан рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлим (бўлима)ларида фуқароларнинг доимий яшash жойи бўйича рўйхатга олинган ҳудуддан қатъи назар автоматотранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга давлат рақами белгиларини бeришини амалга ошириш;

барча рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлим (бўлима)ларида ҳамда камида **20 та** давлат хизматлари марказларида миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштиришни (шу жумладан, алмаштириш ёки йўқолгани ўрнига янгисини бeриш) фуқароларнинг доимий яшash жойи бўйича рўйхатга олинган ҳудудидан қатъи назар амалга ошириш;

ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга талабгорлардан имтиҳон олиш жараёнини жамоатчилик томонидан, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали кузатиш имконини яратиш;

илгор хорижий тажрибага асосланган ҳолда, автомобиль йўлларида йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ўлим ҳолатларини, шу жумладан, пидедалар ўтиш жойларининг замона-

вий светофорлар билан таъминланганлик даражасини бoсқичма-бoсқич ошириш орқали қисқартириш.

Ички ишлар вазирлиги **уч ой мuddатда** ушбу бандда назарда тутилган чoра-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

б) республика ҳудудида давлат ўрмон фондига қирмайдиган **дарахт ва буталарнинг қиммат-баҳо навлари кeсшилишга жорий этилган мораторийнинг** амал қилиш мuddатини 2021 йил 31 декабрга қадар узайтириш. Бунда:

ҳар бир кeсилган дарахт ва буталар учун компенсация тарзида **10 туپ** қимматлилиги жиҳатдан кeсиладиган дарахт ва буталардан кам бўлмаган, йирик ўлчамли кўчат eкиш ҳамда уларни камида икки йил давомида парвариш қилиш, ноқонуний кeсилган дарахт ва буталар учун эса **уч йил давомида** парваришлаш шарты билан **100 туپ** кўчат eкиш мажбурияти киритилсин;

дарахт ва буталарнинг кeсшилишга жорий этилган мораторий талабларига риоя этилишини устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида дарахт ва буталарнинг ноқонуний кeсшилишини аниқлаган ёки олдини олган фуқароларни рақатлантириш тизими жорий этилсин.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси **икки ой мuddатда** атроф-муҳитга етказиладиган зарарни қoллаш тартибини қайта кўриб чиқиб, табиатни қайта тиклашга қаратилган компенсация механизмларин

2021 йил 1 январдан бошлаб мактабларда ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозими жорий этиляпти. Бу ҳақда 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тарққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармонида белгиланган.

янги киритилган ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозимларига ёшлар етакчиларидан 0,25 ставка қисқартириш ҳисобига эмас, балки қўшимча маблағ ажратилиши бўйича аниқ топширик бўлди.

Олий таълим муассасаларининг ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари профессор ва ўқитувчиларининг меҳнатига мазкур муассасаларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланади.

Маили, бу масала ўз йўлига. Бирок,

Мактабга ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи керакми?

Ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозимига Ўзбекистон Ўзвучилар уюмчаси томонидан тавсия этилган таниқли шоир, ёзувчи, журналист ва ижодкорлар, олий таълим муассасаларининг ижтимоий гуманитар фанлар кафедралари профессор ва ўқитувчилари жалб қилинади. Ушбу лавозимга ҳар бир мактабда 0,25 ставка иш ҳақи ажратилади. Ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи 4 та мактабга бириктирилиб, 1 штат бирлигига маош олади.

Президент фармони асосан, 2020 йил 28 декабрда халқ таълими вазирлиги, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмасининг қўшма қарори тасдиқланди.

Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси вилоят бўлимининг тавсияси билан ҳозирги кунда 692 мактабга 173 нафар шоир, ёзувчи, журналистлар ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи сифатида ишга олинди, - деди вилоят халқ таълими бошқармаси мутахассиси Жаҳонгир Йўлдошев. - Вилоятда жами мактаблар сони 1255 та бўлиб, қолганларига олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари бириктирилди.

Қўшма қарорда шоир, ёзувчи, журналист ва ижодкорларнинг меҳнатига умумтаълим муассасаларидаги ёшлар етакчиси лавозимининг 0,25 штат бирлиги ҳисобидан ҳақ тўланиши белгиланган.

Президентимиз томонидан маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш юзасидан ўтказилган йиғилишда

мактабларга тавсия этилаётган шоир, ёзувчи, журналист ва ижодкорлар ҳақиқатан ҳам ўқувчилар билан шўғулланадими? Бунга уларнинг вақти борми? Болалар билан ижодий кечалар, мушоиралар ташкил этадими? Масаланинг мана шу томонини ўйлаб кўриш керак.

- Мени мактабга ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи вазифасига таклиф қилишгани, - дейди исми сир қолиши истаган ижодкор. - Ҳафтада бир кун вақтим бор. Ўша кунга тўғри-лаб берсанглр бораман, дедим. Кейин билсан тўртта мактабга бириктиришибди.

Ижодкорнинг ҳафтада бир кунлик бўш вақтини ҳам банд қилишми. Энди у бу вазифани қандай удалайди - бизга қоронги. Қўшма қарорга кўра, умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этилаётган ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчига бир қатор вазифалар белгиланган. Масалан, у ижодий қобилиятга эга бўлган ўқувчиларни аниқлаш ва саралаш билан шўғулланади, ўқувчиларнинг ижодий ишлари билан танишиб боради, уларга йўл-йўриқ кўрсатади, ижодий тўғрақлар ташкил этади ва режа асосида маҳорат сабоқларини олиб боради.

Шунингдек, улар ўқувчилар ўртасида турли адабий, ижодий танловлар, фестивал ва бошқа тадбирларни ҳам ташкил этади. Хўш, ҳафтада тўртта мактабга бир кунда борадиган ходим шунча вазифани қандай удалайди? Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари-чи? Ўз ишидан ортиб, олис туман мактабларига ҳар ҳафта қатнай оладими? Бириктирилаётган мактаблар яқин бўлса май-

ли, аммо олис туманлардаги мактаблар-чи? Уларга ким боради?

- Шоир, ёзувчи, журналист ва ижодкорларнинг қайси ҳудудда истиқомат қилишига қараб, ўша тумандаги яқин мактабларга тавсия қилинади, - деди Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси вилоят бўлими бошлиғи Тошўлат Тугалов. - Албатта, ижодкорлар барча мактабларга етмайди, қолганига олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари бириктирилади. Бундан кўриниб турибдики, олис мактабларга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари жалб этилади. Уларнинг иш ҳақи ОТМларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тўланиши белгиланган. Савол туғилади: бугун олий таълим муассасаларида ўқув хоналари ва ётоқхоналар етишмаётган бир пайтда муассаса мактабларга қатнайдиган ўқитувчилар учун маош ажрата оладими? Ажратмаса-чи?..

Аслида мактабларда очилаётган янги лавозим жиддий ва масъулятлидир. Бу вазифада шунчаки ишлаб бўлмайди. Асосий иш жойига эга шоир, ёзувчи, журналист ва ОТМ профессор-ўқитувчилари болаларнинг иқтидорини намойиш этишга қай даражада ҳаракат қилади? Бу билан ижодкорларни айбалоқчи эмасми, асло. Шунчаки мактаб директори келмайдиган ҳолим учун 0,25 ставка иш ҳақи ёзиб, ўзлаштирмайдими, деган савол туғилмоқда.

Яқин кунларгача ўқитувчилар устама олиш учун роса мақола “ёзди”, кимдир ўқитувчи опасига мақола ёзиб берди, кимдир ўқитувчи рафикасининг ёзмаган мақоласини чиқариш учун тахририятга пул кўтариб келди, хуллас бундай усул қутилган самарани бермади. Натижада мақола ёзиш ўқитувчилар зиммасидан олиб ташланди. Мактабларда янги таъсис этилаётган ушбу вазифа ҳам ўзини оқлайдими-йўқми, буни вақт кўрсатади. Биз ўз фикримизни айтдик, холос.

**Хуршида ЭРНАЗАРОВА,
«Зарафшон» муҳбири.**

«Бир мавзуда икки фикр»

“Пулсиз бўлса Ҳазорага, пуллик бўлса ноғорага”ми?

2021 йил 1 январдан бошлаб ҳар бир умумтаълим муассасасида «Ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи» лавозими жорий этилди. Хўш, ушбу фармонни ҳаётга жорий этиш учун Оқдарё туманида қандай ижодий-маданий муҳит мавжуд эди? Ҳозир-чи?

Фармонда таъкидланганидек, ёш авлоднинг маъна баркамол этиб тарбиялаш, мактаб ўқитувчилари ва фаол ўқувчиларнинг ижодий ишларини кенг жамоатчиликка етказишга кўмаклашадиган, турли хилдаги виқториналар, мушоиралар, адабий кечалар, кизиқарли дарслар, китобхонлик ва шеърхонлик мусобақаларини ташкил этадиган мактаб ўқитувчилари ва фаол ўқувчиларни жалб этиб, газеталар чоп этиш ёки ўқув маканларининг электрон сайтида мактаб ҳаётидан кизиқарли мақолалар чиқариб борадиган ёзувчи, шоирлар, ижодкорлар туманимиздаги 57 та мактаб учун етарлими?

Белгиланган меъёр бўйича 4 та мактабга бир ижодкор бириктириладиган ҳолда-чи? Ушбу фармоннинг тўлақонли ижроси мана шу масалага, яъни мактаблардаги

ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозимига тайинланган ижодкорлар фаолиятига боғлиқ. Ҳеч кимга малол келмасинки, **агар ушбу янги иш ўринлари масаласида ҳам таниш-билишчилик, келишувчилик, илтимосномалар асосий омил бўладиган бўлса, Учинчи Ренессанс – ўйғониш даврининг асосий пойдевори заифлашади.**

Туманимизда бир неча йиллик ижодий тажрибага эга бўлган “Навхон” ижодий клуби аъзолари ва айнан мактаблардаги ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозимига муносиб бўлган номзодлар – ижодкор ўқитувчилар, шоир ва ёзувчилар рўйхатини туздик.

Фармонда “Ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилар, ижодкорларни мактаблар-

га бириктириш ва уларга шарт-шароит яратиши шахсан туман ва шаҳар ҳокимларининг ўзлари назоратга олади”, деб белгиланганилиги сабабли ушбу тақлифимизни туман ҳокимлиги ҳамда халқ таълими бўлими раҳбарига тақдим этдик. Номзодларнинг 90 фоизи ҳозирги кунда туман умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган, ижод намуналари, шеърлари, китоблари чоп этилган, муҳими, “Устоз-шогирд” анъаналарига содиқ бўлиб, мактабларда ўзлари тарбиялаётган ёш ижодкор шогирдларига эга бўлган, жамоатчи, туман ижодий муҳити ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларида фаол мутахассислиги она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси бўлган ижодкор ўқитувчилардир. Умид қиламизки, ушбу тақлифимиз эътиборга олинади.

Афсуски, ҳали биз туман ҳокимлигининг хилосасини олимсимизданоқ, бизга маълум қилинган, юқоридан келган маълумотга кўра, туманимиздан фақатгина икки нафар ижодкор шоир бу рўйхатга лойиқ топилибди, холос. Туманимиздаги 57 та умумтаълим мактаби олий ўқув юртида фаолият юритаётган 6 нафар ўқитувчига бўлиб берилибди. Бу нечоғли ижобий самара беради?

Маҳаллий ижодкорлар пул талашаётгани йўқ. Гап сифат ва самара, ҳамкорлик ҳақида борапти. Туманларда яшаб ижод қилаётган ижодкорларимиз шу пайтгача пулсиз ҳам бу хайрли ишни, «Устоз-шогирд»лик анъанасининг муқаддаслиги учун виждондан бажариб келишди. Аммо эндигина ҳукумат эътиборига тушиб, “Лоқақ шогирдларини тадбирларга, танлов ва тахририятларга олиб боришга йўл пулим бўларкан”, деб суюниб турган шоир, ёзувчиларимизнинг кўнгиллари нечук бўлади? Мактабларининг ОТМ ўқитувчилари ҳамда туманлардаги фаол ижодкор шоир, ёзувчиларга тенг ва адолатли тақсимлана, нур устига нур бўлардику!

**Ойгул МАМАТОВА,
Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси аъзоси.**



REKLAMA, E'LOMLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сонли “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони асосан “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасида аукционга чиқарилган Самарқанд вилоятида жойлашган қуйидаги жамиятлар бўйича

САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Т/р	Жамият номи	Юридик манзили	Устав капитали (млн. сўм)	Жамиятнинг устав фондидаги сотиладиган давлат улуши (фоиз)	Сотиладиган улушнинг нархи (минг сўм)	Савдо санаси	Аризалар беришнинг охириги мuddати
1.	“Сам гипс геострой инжиниринг” МЧЖ	Пахтачи тумани Қарнаб МФЙ	10,0	100,0	13 251,0	09.03.2021 й.	07.03.2021 й.
2.	“Nova geostroy injiniring” МЧЖ	Иштихон тумани Зарбанд МФЙ	113,4	8,8	10 000,0	09.03.2021 й.	07.03.2021 й.
3.	“СамИСИ сайёҳ пус” МЧЖ	Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 9-уй	12,3	51,0	23 934,3	09.03.2021 й.	07.03.2021 й.
4.	“Туризм ва реал сектор иқтисодий соҳаларида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Самарқанд вилоят маркази” МЧЖ	Самарқанд шаҳри Универстет хиёбони, 15-уй	16,059	100,0	16 059,0	09.03.2021 й.	07.03.2021 й.

Ушбу объектларни “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги “Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” ДУКнинг “e-auksion.uz” сайт майдончасида ўтказилиши режалаштирилган. Савдоларда қатнашиш истагиди бўлган жисмоний ва юридик шахслар хатлов ва баҳолаш ишлари якунлангандан кейин “e-auksion.uz” сайтида қоидалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнларида қатнашишлари мумкин.

Рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар давлат хизматлари маркази ёки мажбурий ижро бюросидан электрон рақамли имзо сертификатларини олиши мумкин, юридик шахслар эса мажбурий ижро бюросидан бериладиган электрон рақамли имзо сертификатларини олишлари талаб этилади.

Аукционда қатнашиш учун ариза бериш:
Рўйхатдан ўтган ва электрон рақамли имзога эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар “e-auksion.uz” сайтида яратилган “Шахсий кабинет”лари орқали кириб ўтказилган аукционлар рўйхатидан ўзига керакли объектни танлаши ва у ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига қўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим

ўзига хос такрорланмайдиган ЛОТ рақами беради. Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реквизитларига кўрсатилган закалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатида аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилиши керак) ҳолда аукцион савдосида қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим.

Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи томонидан электрон рақамли имзо билан имзолаган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилган, иштирокчининг “Шахсий кабинети”га ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жавоб хабари келади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтида кўрсатилган мuddатда тўхтатилади.

Аукцион жараёни:
Иштирокчилар томонидан савдода қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг, савдо бошланадиган кунда (вақтда) иштирокчилар “e-auksion.uz” сайтида махсус логин ва паролларини терган ҳолда “Шахсий кабинет”ига кирилади ва “Кабинет”га ўтилгандан сўнг “Менинг аукционларим” бўлимидан қатнашмоқчи бўлган аукцион танланади.

Шунда дастур томонидан “Иштирок этишни тасдиқлаш” сўралади, иштирок этиш тасдиқлангандан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш куну соат 9:00 да бошланади).

Аукцион қатнашувчиларига дастур томонидан алоҳида тартиб рақам берилади.

Аукционнинг бошланиши иштирокчилардан ЛОТни бошлангич нархдан битта қадамга оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклифни тасдиқлашни сўрашдан бошланади. Агар, таклиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчиларидан бири белгиланган қадамга оширилган ЛОТ нархини тасдиқласа, кейинги таклифни тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқага узайтирилади.

Агар, тасдиқланган охириги таклифдан сўнг 10 дақиқа давомида кейинги оширилган ЛОТ нархи бўйича таклиф аукцион иштирокчиларининг бирортаси томонидан тасдиқланмаса, савдо аукцион натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирган ҳолда якунланади. ЛОТ нархи бўйича таклифни охириги тасдиқлаган иштирокчи аукцион қолиби деб топилади. Шундан сўнг иштирокчига голиблик баённомаси топширилади ёки иштирокчи билан

келишган ҳолда почта бўйномаси орқали юборилади. Савдолар натижалари бўйича голиблик баённомаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасига тақдим этилган санадан бошлаб 10 кундан кечикмай олди-сотида шартномаси тузилади.

Аукционда иштирок этгандан сўнг голиб бўлмаган иштирокчиларга закалат пулларини қайтариш иштирокчиларнинг электрон тарзда берган аризаларига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамга қайтариб берилади ёки кейинги савдоларда қатнашиш учун ўтказилиши мумкин.

Қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил: Самарқанд шаҳри Кўқсарой майдони, 1-“А” уй, 6-қават, 604-хона. Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси. Давлат активларини хусусий мулкка бериш бўлими.

Маълумот учун телефонлар:
66-233-73-54, 91-537-32-12.
Факс: 66-233-73-54.

Facebook даги расмий саҳифа: Sam Dav Aktiv
Веб-саҳифа: privatization.davaktiv.uz
Интернет тармоғидаги веб-сайт: samarqand@davaktiv.uz

ДАЪВОЛАР БЎЛСА
Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шўғулланувчи нотариус Юсупова Ирода Рустомовна нотариал идорасида марҳум Шарипов Юсуфга (2016 йил 18 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Ирода Рустомовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Богдоқ кўчаси, 1-уй, 3-хона.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шўғулланувчи нотариус Юсупова Ирода Рустомовна нотариал идорасида марҳум Давронов Хуррама (2019 йил 9 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Ирода Рустомовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Богдоқ кўчаси, 1-уй, 3-хона.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шўғулланувчи нотариус Ортиқбеков Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Пардаев Абдирович Маманазаровичга (2016 йил 14 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбеков Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайриқ тумани Челақ шаҳарчаси Истиклол кўчаси, 73-уй.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шўғулланувчи нотариус Ортиқбеков Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Юнусов Ботирга (2018 йил 16 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбеков Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайриқ тумани Челақ шаҳарчаси Истиклол кўчаси, 73-уй.

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шўғулланувчи нотариус Шомуродов Анвар Салимович нотариал идорасида марҳум Раббим Нарзиқуловичга (1991 йил 25 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Шомуродов Анвар Салимович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Ўрташиқ маҳалласи.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шўғулланувчи нотариус Мухаммадиев Фарход Жўрақулович нотариал идорасида марҳум Агазов Умар Очиловичга (2020 йил 29 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мухаммадиев Фарход Жўрақулович нотариал идорасига

мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайриқ шаҳарчаси Истиклол кўчаси, 76-уй.

Жомбў туманида хусусий амалиёт билан шўғулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўрақуловна нотариал идорасида марҳум Абдурақов Азаматга (2020 йил 25 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўрақуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбў тумани Тошкент кўчаси, туман давлат хизматлари маркази биносидан.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шўғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Гурянова Олга Николаевнага (2020 йил 17 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улугбек кўчаси, 80-уй.

диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* Самарқанд молия ва иқтисодий коллеждан 2015 йилда Бахриев Фироз Фурқатович номига берилган рўйхат рақами 3991, К № 2497690 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* Самарқанд шаҳридаги 31-ўрта мактабдан 1997 йилда Ҳакимов Джасур Мунимович номига берилган О'Р-А № 363024 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* Пайриқ туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Сайимов Суннат Эргашович номига берилган О'Р-Ш № 0246098 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ТОПГАҲГА МУКОФОТ!
Самарқанд вилоят ички ишлар бошқармасидан 2015 йилда Рузқулдов Тулқин Юлдашовичга берилган 7029 рақамли пенсия гувоҳномаси Ургут тумани ҳудудда тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжати тоғланлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

Телефон: +99899-132-09-46.



Ma'lumki, 1459-yilda Xuroson podshosi Abulqosim Bobur vafot etadi. Uning o'rnini Abusayid Mirzo egallaydi. Abusayiddan norozi xalq bir necha bor unga qarshi bosh ko'taradi. Norozilar ichida Navoiyning tog'alari Mir Sayid Kobuliy va Muhammad Ali G'arbiylar ham bor edi. Shuning uchun bo'lsa kerakki, Abusayid Alisher Navoiyga ham ishonchsizlik bildirib, uni Samarqandga ixroj (surgun) qiladi. Hatto uning oilasidan qolgan mol-mulkini musodara qildiradi.

Alisher Navoiyning Samarqanddagi faoliyatiga chizgilar

1465-yil Alisher Navoiy o'sha davrda Movarounnahrning yirik madaniy va ma'rifiy markazi hisoblangan Samarqandga keladi. U Samarqandda o'z davrining atoqli olim-u san'atkorlari Mirzo Holiq So'g'diy, Sayid Qutb Samarqandiy, Yusuf Safoiy, Shayxim Suhayliy, Sakkokiy kabi ijodkorlar va ularning asarlari bilan yaqindan tanishadi. Shu bilan birga u Samarqand madrasalarida Fazlulloh Abu Lays va Alo Shoshiy kabi mashhur olim, mudarrislardan adabiyotning turli nazariy masalalariga doir, xususan, she'riy asarlarini muhokama qilish tartib-qoidalarini ma'ruf qilishni ta'minlash uchun o'z atrofida yig'ib, ularga she'r yozish sir-asrorlarini o'rgatadi. O'z zamonining mashhur mudarrisi uni farzand deb hisoblaydi: "Men ikki yil aning qoshida saboq o'qidim. Menga shuncha ko'ngil qo'ygani ediki, farzandim, der edi".

Alisher Navoiy Samarqandda Amir Temur va temuriylar tomonidan bunyod etilgan ma'moriy yodgorliklar bilan yaqindan tanishadi. Yaratilajak asarlari uchun ma'lumotlar yig'ish maqsadida shahar va uning atrofida hududlarning musaffo tabiati, hayotbaxsh suvlari, firdavs monand bog'larini, bag'ri keng kishilari, ularning hayotini o'rganadi. Donishmand va hunarmandlar bilan yaqindan tanishib, ular bilan suhbatda bo'ladi. Adib keyinchalik o'z taassurotlarini dunyoga mashhur asarlarida ifodalashga harakat qiladi.

1469-yil boshlarida Abusayid G'arbiy Ernoni egallash uchun olib borgan jangda yengiladi va o'zi ham halok bo'ladi.

Shu fursatdan foydalangan Husayn Boyqaro Hirotda taxtini egallaydi. Shu yilning aprel oyida Alisher Navoiy maktabdosh do'sti Husayn Boyqaro tomonidan Samarqanddan Hirotda chaqirib olinadi.

Alisher Navoiy Samarqand va samarqandliklarni umrbod unutmaydi. U samarqandlik tarixchi Abdurazzoq Samarqandiy, Davlatshoh Muhammad Olim Samarqandiy va musiqa ilmi ustosi Darvish Ahmad Samarqandiyga homiylik qiladi. Abusayidning o'g'illari toj-taxt talashishlari kuchayib, Samarqandda ham notinchliklar bo'ladi. Ko'p olim va shoirlar bevosita Alisher Navoiyning homiyligida ijodiy ishlarni Hirotda davom ettiradi. Fazlulloh Abu Laysning o'g'illari Hoja Hovand Abu Laysiy va Hoja Abulqosim Abu Laysiy hamda boshqa yoshlar uning yordamida Hirotda borib ta'lim-tarbiya oladilar.

Jahonga o'zbek nomi va shon-shuhratini keng yo'qan bobokalonimiz Alisher Navoiy hazratlari 580 yillik yubileyi munosabati bilan shahrimizning Vobkent ko'chasida joylashgan Abulaysiy nomi bilan bog'liq tarixiy yodgorlik e'tiborga olinadi, degan umiddamiz. Ma'lumotlarga qaraganda, Alisher Navoiy bobomiz aynan o'sha tarixiy binoda istiqomat qilganlar.

Murodqosim ABDIYEV,
Davlat tilida ish yuritish va malaka oshirish markazi Samarqand bo'linmasi rahbari.
Nomoz QOBILOV,
SamDU akademik litseyi ona tili va adabiyot kafedrasini mudiri.

«Yordin ayru ko'ngul...»

Hazrat Alisher Navoiy ijodi turkiy adabiyotning eng yuksak cho'qqisidir. Chunki unga qadar hech kim bu tilda burchlik "ko'p va xo'p" yozmagan edi. Navoiy barcha turkiy xalqlarning eng buyuk shoiridir.

Alisher Navoiy mashhur olim va adib Maqsud Shayxzoda "G'azal mulkingi sultoni" deb atagan edi. Haqiqatan ham u turkiy g'azalchilikning eng buyuk vakilidir. Faqat turk emas, umuman chiqish g'azaliyotida u mumtoz o'rnlardan birini egallaydi. Chunki g'azal uning qalamida yangi bosqichga ko'tarildi. Aslida Navoiygacha ham g'azalning maqomi juda baland edi. Fuzuliy shoirlar haqida to'xtalganida, arab adabiyotidan Abu Nuvo'sni, forsdiy she'riyatdan Nizomiy, turkiydan Navoiyni tilga oladi. Jumladan, Navoiy haqida fikr yuritib, uni "Navoiy suxandon", "Manzuri shahanshoi Xuroson" deb ta'rifiyladi. Buyuk Navoiy Xuroson shahanshoi sulton Husayn Boyqaroga g'azallari bilan ham, dostonlari bilan ham manzur bo'lgan edi.

G'azalga xos muhim xususiyatlardan biri undagi har bir baytning mustaqilligidir. Bu mustaqillik gohida shu darajaga boradiki, har bir bayt alohida asar darajasiga ko'tariladi. Bu bir tomondan yaxshi. Lekin ikkinchi tomondan, she'rning yaxlitligiga putur yetadi. Muayyan fikr yoxud nozik ma'noni g'azalning boshidan oxirigacha rivojlantirishga xalaqat beradi. Shu sababli, g'azaliyotda baytlarni bir-biriga bog'lab borish, fikr yoxud obrazni darajama-daraja o'stirish tamoyili ham bo'ladi. Buni tadjir deganlar. Mumtoz adabiyotda bu yo'ldagi g'azallar kam edi. Alisher Navoiy g'azaldagi bu usulga alohida e'tibor berdi va tadjirdan foydalanib o'nlab go'zal she'rilar yaratdi. Bu xildagi g'azallarining eng mashhurlaridan biri "Yordin ayru ko'ngul..." she'ridir. Shoir butun bir she'rda yoridan ayrilgan ko'ngilning ahvoli va manzarasini

sekin-asta kuchayib boruvchi tashbehtar yordamida chizib beradi:

Yordin ayru ko'ngul mulkedurur sultoni yo'q,
Mulkkim sultoni yo'q, jismedururkim, joni yo'q.
Matla'da yorsiz ko'ngil - sultonsiz mamlakatda,
sultonsiz mamlakat - jonsiz jismga mengaladi. Bu hol ohorli fikrdan tashqari, o'ziga xos kayfiyat ham hosil qiladi. Lekin na fikrda va na hissiyotda tugallikka erishilgan. Buning uchun keyingi baytga ehtiyoj seziladi. Keyingi baytda oldingi fikr va tuyg'u yanada kuchaytiriladi:

Jismdin jonsiz ne hosil, ey musulmonlarkim, ul,
Bir qaro tutroqdekdurkim, gulu rayhoni yo'q.
Lirik qahramon gul-u rayhonsiz tuproqni oysiz qorong'i kechaga o'xshatadi. Bunday holat yetti baytlik g'azalda to'liq davom etadi. Tasvir shuncha-ki davom ettirilmaydi, balki baytdan baytga ifoda muayyanlashib, tasvir kuchayib boradi. Shuning uchun ham maqta'da qahramonning nadomati avjiga chiqadi, hijron ohangli cho'qqiga ko'tariladi:
Ey Navoiy, bor anga mundaq uqubatlariki bor,
Hajridin dardi va lekin vaslidin darmoni yo'q.
G'azal xotimasida tazod san'atidan ham foydalaniladi. Unda bor bilan yo'q bir-biriga qarshi qo'yiladi. Lekin qahramonning bor narsalarining yo'q bo'lgani avloroq edi. Chunki unda uqubat - bor, hajr - bor, dard bor, yo'q narsa esa birgina visol!

Alisher Navoiy g'azaliyotining asosiy mazmun-mohiyatini ishq tashkil qiladi. Hamma fikrlar mana shu "ishq" tushunchasi atrofida aylanadi. Uningcha, dunyoga kelmoqdan murod komil inson bo'lmoliqdir. Komillikning birinchi belgisi esa oshiqlikdir.

Alisher Navoiy chindan ham g'azal mulkingi sultoni edi. Oradan shuncha vaqt o'tganiga qaramay hanuzgacha turk tilida g'azal yozish bobida u kabi darajaga erishgan shoir yo'q.

Ma'mura BAROTOVA,
Samarqand tumanidagi 23-umumiy o'rta ta'lim maktabi ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi.

"Zarafshon" milliy tabiat bog'ida

Qish. Zarafshon darёsi ying kirqoqlarida soкин табиат. 2426,4 гектар майдонни эгаллаган "Zarafshon" milliy tabiat bog'i kirqoqlarining 47 kilometr masofasigacha chizilgan. Daraxtlar, butalar bugun yuquda. Bir qarashda bu erda kўriqlanadigan nima bor экан, деган савол хаёлингизга келади. Аммо миллий табиат bog'i кўриқ-чиси билан суҳбатлашиб, Қизил китобга киритилган бу ердаги ҳайвонлар, қушлар, дарактлардан тортиб, ўт-ўланларгача барчаси табиатнинг бир бўлаги ҳамда муҳофазага муҳтож эканлигига гувоҳ бўламиз. Соат 8:00 да богга етиб бордик. Бизни Шарофиддин ака кўтиб олди. Тор сўқмоқ бўйлаб юриб, унинг бугунги юмушлари, вазифаси, хавотири ҳақида суҳбатлашдик.

ХАР БИР ДАРАХТ, ЎСИМЛИКЛАР МЕНГА ЁД

Аслида бизнинг иш вақтимиз чегараланмаган, - дейди Шарофиддин Тошпўлатов. - Тонг отиши билан ўзимга бириктирилган ҳудудга ошқаман. Бу ердаги ҳар бир даракт, бута, ўсимликлар ёд бўлиб кетган. Уларга етказилган зарарни дарров пайқайман. Богимизга маҳаллар яқинлиги учун тўрт фаслда ҳам юмушини етарли. Баҳорда одамларнинг мол боқишидан табиатни химоя қилсак, куз ва қиш ойларида ўтин учун дов-дарактларга зиён етказмаслигининг олдини оламиз. Миллий богимизнинг ҳайвонот ва ўсимликлар олами жуда хилма-хил. Zarafshon кирговулини муҳофаза қилиш, доривор ўсимликларни кўпайтириш, ҳудуднинг табиий ландшафтини сақлаш ва қайта тиклаш кўриқхона ходимларининг асосий вазифаси. Менга бириктирилган 257 гектар майдонда ҳам ноёб ўсимликлар, дарактлар, қушлар, Бухоро хонгули бугусини учратиш мумкин. Айрим фуқаролар томонидан уларга зарар етказиш ҳолатлари учрайди.

ТУРАНҒИЛ - БУХОРО ХОНГУЛИНИНГ ОЗУҚАСИ

Шарофиддин ака кўриқхонага яқин Наймантепа маҳалласида яшар экан. Ёшлигидан кўриқхонадаги ҳайвонларни, бетакрор қушлар овозини эшитиб улғайган.

Бу ердаги сокин муҳит, гоҳида қушларнинг сайраши, Бухоро хонгули бугусининг бир мўра-лаб, кейин дарактлар ортига бекиниши, баҳордаги гўзаллик, тустовуқнинг кўз илгамас парвози, ҳатто судралиб юрган илонлар ҳам мени ўзига жалб қилган бўлса ажаб эмас, - дейди у. - Тўғри, олий маълумотли эсмман. - Лекин бу ердаги дарактларнинг, ўсимликларнинг тилини яқини тушунман. Мана бу кўриб турганингиз туранғил даракти. Бу даракт фақат миллий богимизнинг 14 гектар майдонда учрайди. Унинг тангачасининг барглари баҳор келиши билан жиллоланиб, ўзига хос гўзаллик касб этади. Бу барглар билан Бухоро хонгули озиқланади. Бугун туранғилни табиий кўпайтириш ишларини олиб бораёмиз. Табиат богининг ўз хусусияти бор. Дарёга яқинлиги учун бу ерда табиий кўпайишга шароит мавжуд. Дарактларнинг ёнида ёш новдалар чиқаверади. Бизнинг асосий вазифамиз мана шу ёш новдаларни асраш. Уларнинг кўпайишига замин яратиш.

КУНДУЗ ДАМ ОЛАДИ, КЕЧАСИ ТАБИАТ КЎЙНИГА ОШИҚАДИ

Шарофиддин ака ўз фарзандларини мактагандек, кўриқхонадаги ҳар бир жиҳатга эътиборимизни тортиб, улар ҳақида гапиришдан қарачамасди. Эътиборимизни пўсти арчилиб ётган дарактлар тортиди.



Худди инсон қўли билан қилингандек, тўғрими? Аммо бу Бухоро хонгулининг иши, - дейди табассум билан. - Хонгулларнинг эркагида шох бўлади. Шохларга қараб уларнинг ёшини аниқлаш мумкин. Шохлар йилда бир бор пўст ташлайди. Бухоро хонгули дарактларга шохларини қатиб, улардан холос бўлади. Кичик новдаларни синдириб юборади, катталарини эса пўстини арчиб ташлайди. Бугун миллий богимизда 24 та Бухоро хонгули бугуси чегараланган ҳудудда, 150 дан ортиги табиат кўйнида боқилапти. Улар қишда қоронги тушгач, туранғилларнинг қуриган баргларини ейишга келади. Кундуз кунни дам олади.

Бу меваси пишиб етилган қизил қорақат. Худудимизда жуда кўп. Уларнинг пишган мевасининг шарбати қон босимини туширади. Аммо мевасини йиғиб олмайти. Қушлар озукаси учун қолдиради. Миллий табиат богимизда табиий озукка занжири бор. Шу билан бирга доривор ўсимликлардан бири - чакандани кўпайтиришга ҳаракат қилияёмиз.

Шарофиддин ака ўзига бириктирилган худудни кунига икки бор кўздан кечиришини айтиди. Миллий табиат богининг иқлими ҳам, муҳити ҳам ўзгарувчан экан.

ТАБИАТ КЎРИҚЧИСИНИНГ ХАВОТИРИ БОР

Кўриб турганингиздек, кеч кузда худудимиздаги шох-шаббалар қуриydi, биргина чўғ табиатни вайрон қилиши мумкин, - дейди Шарофиддин ака. - Шунинг учун ҳар бир келган сайёҳга бу ерда чекиш, олов ёқиш, атрофга чиқинди ташлаш мумкин эмаслигини айтмайми. Афсуски, ҳамма ҳам гапимизга қўлоқ солавермайди. Ёш ниҳолларга зиён етказиш, атрофга чиқинди ташлаш ҳолатлари учрайди. Уларнинг ўйламай қилган биргина

хатоси миллий табиат богимиздаги табиий озукка занжирига шикаст етказишидан хавотир олам. Чунки бу ерда ҳайвонот ва ўсимлик олами бир-бирига уйғун.

Қиш бўлганлиги учун аксарият жониворлар уйқуда экан.

Баҳор келиши билан бу ерларни таниб бўлмайди. Сиз кўриб турган хаслар ўрнида баҳорда бойчеклар бўй чўзади. Меҳнаткаш асарларилар бу ердаги бир-бирдан гўзал гулларнинг ширасини йиғишдан қарачамасди, - дейди табиат кўриқчиси фахр билан.

Сўқмоқ бўйлаб юрар эканмиз ноғох тустовуқнинг парвози, шернинг наъраси хаёлимизни олди.

МИЛЛИЙ ТАБИАТ БОГИДА ҲАЙВОНОТ БОГИ ҲАМ БОР

1975 йилда ташкил этилган "Zarafshon" давлат кўриқхонаси 2018 йилда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан "Zarafshon" миллий табиат bog'iga айлантирилди. Бу ерда маҳаллий ва хориклик сайёҳларни жалб этиш мақсадида 3 маршрутда экологик сўқмоқлар ташкил этилди. Шарофиддин аканинг худудда экологик сўқмоқларнинг ташкил этилиши зиммасидаги масъулиятни икки қарра оширади.

Шу билан бирга миллий табиат bog'ida мўъжазгина ҳайвонот bog'i ҳам ташкил этилган. Очилганига 4 ой бўлган ҳайвонот bog'ida 48 турдаги қушлар ва ҳайвонлар сақланмоқда.

Бетакрор табиатимизга, бу ердаги ҳайвонот оламига қизиқувчи сайёҳлар кўп, - дейди ҳайвонларни кўздан кечириб юрган миллий табиат bog'i илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Бахтиёр Ражабов. - Айрим олимларимиз бу ерда илмий кузатишлар олиб боради. Ҳозирги кунда миллий табиат bog'i худудидида 207 хил қушлар, балиқлар, 88 тур ҳашаротлар, Zarafshon кирговули, Ўрта Осиё кундузи, Бухоро хонгули бугуси, 300 турдан ортиқ ўсимликлар мавжуд. Ўсимликларнинг 80 дан ортиқ тури доривор ҳисобланади. Кўриб турганингиздек, ҳозирда ҳайвонот bog'i худудидида таъмирлаш ишлари олиб борилаётган. Намунали лойиҳа асосида 2 гектар майдонда табиат кўйнида ҳайвонлар учун қафас-ўйлар қуриаямиз. Бу ердаги табиат, дарактлар, сўқмоқлар табиий ҳолда сақлаб қолинади. Имконияти чекланган инсонлар учун ҳам алоҳида йўлақлар қилинади. Ҳайвонлар сонини 70 турдан оширмаёмиз. Дам олувчилар миллий табиат bog'имизда сақланаётган ноёб ҳайвонлар, қушлар, ўсимликлар билан танишиб баробарида ўзига хос ҳайвонот богини ҳам томоша қилишади. Ҳайвонот bog'ида лама, кўп шоҳли Ҳиндистон эчкиси, оққуш, товус, кирговул, бўри, тулки, шер, жайра каби жониворларни учратиш мумкин. Уларни парваришлаган ходимнинг айиқ билан саломлаштиши эътиборимизни тортиди. Айиқ ҳам унинг сўзларини тушуниб, бизларга чиройли салом берди.

Шарофиддин ака билан суҳбатимиз шу ерда якунига етди. Хулосамиз эса талайгина. Табиат bog'ида бугун кўрганимиз ҳар бир тирик жонда кўриқчиларнинг ҳиссаси катта экан. Улар борки, Бухоро хонгули чопқиллайди, қушлар хандон сайрайди, бойчеклар бўй чўзади. Уларнинг доим сергаклиги она табиатни зиён-заҳматлардан химоя қилади.

Насиба ЖОНТЎРАЕВА,
Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).



Хулқарой Раббимова Оқдарё туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабидида мусиқа фанидан дарс беради. Шунингдек, у "Дурдона" ракс ва "Миёқол" фольклор этнографик дастасига 60 нафар ўғил-қизни жалб қилиб, турли танловларда катнашиб келади.

Унинг саяё-ҳаракатлари инобатга олиниб, яқинда "Дўстлик" ордени билан мукофотланди.

Суратда Ҳ.Раббимованинг иш фаолияти акс этган.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (фото).



Жомбой туманининг Қанғли қишлоғида яшовчи Аслбек Абдунасирова академик эшак эшиш бўйича республика чемпиони бўлди.

У яқинда Тошкент вилоятида олимпиада йўлнамаси учун ўтказилган республика мусобақасида 2 километр масофани 7 дақиқа 41 сонияда босиб ўтиб, Ўзбекистон чемпионлигини кўлга қиритди.

Аслбек ҳозирда халқаро тоифадаги мураббий Сергей Тянь кўл остида Тошкентдаги олий спорт маҳорат мактабидида олимпиада саралаш мусобақаларига тайёргарлик кўрмоқда.

Соҳиб САЙФУЛЛАЕВ
олган сурат.



Мустақиллик йиллари Самарқандда

1994 йил, октябрь

15 октябрь куни истьедодли шоир Хуршид Даврон сценарийи асосида режиссёр Баҳодир Йўлдошев саҳналаштирган Мирзо Улуғбек спектакли намоиш этилди.

19 октябрь куни Япониянинг "Минцубиси корпорейшн" компанияси вакиллари компания вице-президенти М.Куроода бошчилигида Самарқандга келди.

ноябрь

2 ноябрь куни вилоят ҳокимининг фармойишига кўра, Саидрасул Остонов Каттакўрғон тумани ҳокими этиб тайинланди.

Франциянинг йирик саноат, банк идоралари раҳбарларидан иборат ишбилармон делегация Самарқандда бўлди.

декабрь

2 декабрь куни Германия - Ўзбекистон дўстлик жамияти делегацияси аъзолари жамият раиси Хайц Шварц бошчилигида Самарқандга келди.

6 декабрь куни вилоят ҳокимининг фармойишига кўра, Суоюн Қўлдошев вилоят агросаноат уюшмаси раиси этиб тайинланди.

1995 йил, январь

Самарқандга Туркиянинг Кўния вилояти ҳокими Атилла Вурал бошчилигидаги ишбилармонлар делегацияси келди.

Самарқанддаги "Авто-мобиль Маркази" ҳиссадорлик жамияти Германиянинг "Wolksvagen" фирмаси билан шартнома имзолади.

февраль

Япония Молия вазирлигининг масъул ходими К.Сасаки бошчилигидаги ишбилармон сармоядорлар Самарқанд ва Япониядаги шаҳарлардан бири Ўртасида янги саёҳат маршрутини очиш тақлифи билан шаҳарга келди.

март

8 март куни Чехия ташқи ишлар вазири Йозеф Желенец бошлиқ ишбилармонлар делегацияси Самарқанд қадамжоларини ва Регистон ансамблини кўрди.

апрель

Вилоят шифохонаси ёнида ички касалликларни даволовчи Хитой табобати маркази очилди.

7 апрель куни АҚШ Мудофаа вазири Уильям Перри ва унинг рафиқаси республика Мудофаа вазири Р.Аҳмедов ҳамроҳлигида Самарқандга келди.

Zarafshon Самарқандский вестник

МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ. Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 19 467 нусxada чоп этилди. Бюрогма 91. Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Ҳажими 2 босма табоқ, бичими А-2

ҚАБУЛХОНА: (66) 233-91-51, РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: (66) 233-91-56. БЎЛИМЛАР: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61. МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи. Газета "Zarafshon" тахририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй. Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: Ғ.ҲАСАНОВ. Навбатчи: Т.СИДДИҚОВ. Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ. Сотишда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X. 9 772010 1667009